



**RESULTS OF DETERMINING STANDARD INDICATORS OF
THE WIDTH AND LENGTH OF CURLS ON ASTRAKHAN
SKINS OF DIFFERENT COLORS**

E.S.Shaptakov

Doctor of agricultural sciences, (DSc), professor.,

A.Gaziyev

Doctor of agricultural sciences, (DSc), senior researcher.,

B.S.Mamatov

Doctor of philosophy (PhD) agricultural sciences, senior researcher.,

Z.S.Klichev

Doctor of philosophy (PhD) agricultural sciences, senior researcher
Scientific-research institute of karakul sheep breeding and desert
ecology

<https://doi.org/10.5281/zenodo.12744594>

ARTICLE INFO

Received: 11th July 2024

Accepted: 14th July 2024

Online: 15th July 2024

KEYWORDS

*Karakul skins, area size,
curl size, curl width, curl
length, technical
requirements, standard.*

ABSTRACT

The article presents the results of studies on the study of curl size indicators of karakul skins of different colors, and the relationship between curl indicators is established.

**РЕЗУЛЬТАТЫ ОПРЕДЕЛЕНИЯ СТАНДАРТНЫХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ ШИРИНЫ
И ДЛИНЫ ЗАВИТКОВ НА КАРАКУЛЬСКИХ ШКУРКАХ РАЗНЫХ ОКРАСОК**

Э.С.Шаптаков д.с-х.н., профессор.,

А.Газиёв д.с-х.н., С.Н.С.,

Б.С.Маматов д.ф.с-х.н., (PhD), С.Н.С.,

З.С.Кличев д.ф.с-х.н., (PhD), С.Н.С.

Научно-исследовательский институт каракулеводства
и экологии пустынь

<https://doi.org/10.5281/zenodo.12744594>

ARTICLE INFO

Received: 11th July 2024

Accepted: 14th July 2024

Online: 15th July 2024

KEYWORDS

*Каракульские шкурки,
размер площади, размер
завитка, ширина
завитка, длина
завитка, технические
требования, стандарт.*

ABSTRACT

В статье приведены результаты исследований по изучению показателей размера завитка каракульских шкурок разных окрасок, установлена взаимосвязь завитковых показателей.

**ТУРЛИ РАНГАДИ ҚОРАҚЎЛ ТЕРИЛАРИДА ГУЛ КЕНГЛИГИ ВА
УЗУНЛИГИНИНГ СТАНДАРТ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ АНИҚЛАШ
НАТИЖАЛАРИ**



Э.С.Шаптаков қ.х.ф.д., профессор.

А.Газиев қ.х.ф.д., К.И.Х.,

Б.С.Маматов қ.х.ф.д. (PhD), К.И.Х.,

З.С.Кличев қ.х.ф.д. (PhD), К.И.Х.

Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.12744594>

ARTICLE INFO

Received: 11th July 2024

Accepted: 14th July 2024

Online: 15th July 2024

KEYWORDS

Қорақўл тери, гул
ўлчами, гул эни, гул
узунлиги, техник
талаблар, стандарт.

ABSTRACT

Мақолада турли рангдаги қорақўл териларида гул ўлчами кўрсаткичларининг намоён бўлиш натижалари ёритилган бўлиб, ушбу кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқликлари аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ҳузурида 2020-йил 28-сентябр куни ўтказилган “Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология миллий тизимини ривожлантириш масалалари тўғрисида”ги 74-сон йиғилиш баёни 6-бандида қорақўл терилари учун ҳалқаро стандарт ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган [1].

Қорақўлчилик соҳасининг асосий маҳсулоти қорақўл терилари ҳисобланиб, уларга ички ва ташқи бозорда талаб катта. Қорақўл тери хом-ашъёсига охирги стандарт 1996-йилда кучга киритилган. Сўнгги йилларда ишлаб чиқарувчиларнинг хўжалик юритиш шакллари, селекция-наслчилик ишларини юритиш даражасининг бир мунча пасайганлиги сабабли маълум бир ассортиментдаги қорақўл терилар ишлаб чиқаришга ихтисослашиши бузилган. Натижада экспортбop ҳамда товар қорақўл терилар ҳажми, сифати ва ассортименти стандартнинг техник талабларига етарли даражада жавоб бермай келмоқда. Шу сабабли мавжуд техник талаблар ва стандарт билан таққослаш ва қорақўл тери маҳсулотига янги таҳрирдаги стандартлар ишлаб чиқиш зарурати туғилмоқда.

Гул узунлиги ва кенглиги муҳим кўрсаткичлар бўлиб, қорақўл териларининг ипаксимонлик, ялтироқлик, ранг интенсивлиги ва рангбарангликнинг ифодаланиши каби сифат белгилари билан ижобий корреляцион боғлиқликка эга [3].

Гуллар қанчалик узун, мустаҳкам, ўрта кенликда ва ушбу гулларнинг тери сатҳида ҳосил қиладиган расми аниқ параллел-концентрик ҳамда параллел-тўғри кўринишга эга бўлса, қўйларнинг насли шунчалик юқори баҳоланади [5].

Ҳозирги кунда амалдаги ЎзРСТ 641-95 стандартига кўра қорақўл териларининг гуллари узунлиги ва эни фарқланади. Эни бўйича: майдагул 4 мм гача, ўртагул 4 мм дан 8 мм гача, каттагул 8 мм ва ундан зиёд. Узунлиги бўйича: калтагул 20 мм гача, ўрта узунликда 20 мм дан 40 мм гача ва узун гул 40 мм дан узун. Шерози, оқ ва гулигаз рангли териларда майдагул 5 мм гача, ўртагул 5 мм дан 10 мм гача ва 10 мм ва ундан зиёд [2].

Юқоридаги фикр мулоҳазалардан келиб чиқиб, “Барча ранглардаги қорақўл териларига уларнинг сифат ва хусусиятларини ўрганиш ва таҳлиллаш асосида техник



талаблар ишлаб чиқиш ва халқаро стандарт тайёрлаш” лойиҳаси доирасида тадқиқотлар олиб борилди.

Тадқиқот услублари. Тадқиқотлар Бухоро вилояти “Бухоро қорақўл кластери” МЧЖ ҳамда Қашқадарё вилояти “Муборак қорақўл наслчилик” МЧЖ ларида турли рангдаги қорақўл териларида олиб борилди.

Қорақўл териларидаги гул ўлчами яъни узунлиги ва эни штангенциркул ёрдамида ЎЗРСТ 641-95 стандарти талаблари асосида ўлчанади [2].

Олинган маълумотларга вариацион статистика усулларида ишлов берилиб, ўртача арифметик қиймат ва унинг хатоси ҳамда ўзгарувчанлик коэффициенти аниқланди [5].

Тадқиқот натижалари. Турли рангдаги қорақўл териларининг гул энини баҳолаш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Турли рангдаги қорақўл териларида гулларнинг эни, мм

Гуллар эни	n	Гул эни, мм		
		$\bar{X} \pm S\bar{x}$	σ	C_v
Қора рангли терилар				
Катта	95	10,05±0,15	1,46	14,6
Ўрта	140	6,52±0,07	0,84	12,9
Майда	15	3,62±0,05	0,21	5,80
Ўртача	250	7,66±0,14	2,2	28,7
Кўк рангли терилар				
Катта	15	10,34±0,0	-	-
Ўрта	91	7,09±0,2	1,13	15,9
Майда	1	3,77±0,03	0,11	2,92
Ўртача	107	6,64±0,13	1,33	20,8
Сур рангли терилар				
Катта	11	10,93±0,11	0,39	3,56
Ўрта	197	7,03±0,07	1,05	14,9
Майда	42	3,63±0,05	0,34	9,36
Ўртача	250	6,42±0,10	1,6	24,9

Жадвал маълумотлари кўрсатадики, қора рангли қорақўл териларида гул эни катта бўлган терилар ўртача 10,05 мм ни, ўртада 6,52 мм ни ҳамда майдада 3,62 мм ни, жами 250 та терининг ўртача кўрсаткичи 7,66 мм ни ташкил этиши кузатилган. Ушбу кўрсаткичнинг вариацияланиши 5,80-14,6 фоиз даражаларида бўлган.

Кўк рангли терилар бўйича олинган натижалар 10,34 (катта) мм, 7,09 (ўрта) мм, 3,77 (майда) мм ни, жами баҳоланган 107 та тери бўйича ўртача кўрсаткич 6,64 мм ни ташкил этган.

Сур рангли терилар бўйича олинган натижалар 10,93 (катта) мм, 7,03 (ўрта) мм, 3,63 (майда) мм ни, жами баҳоланган 250 та тери бўйича ўртача кўрсаткич 6,64 мм ни ташкил этган.

Ранглар кесимида гул энининг катта гуруҳида гулларнинг эни бўйича юқори кўрсаткич сур рангли териларда, паст кўрсаткич қора рангли териларда кузатилган. Гул



энининг ўрта ва майда гуруҳларида юқори кўрсаткич кўк рангли териларда, паст кўрсаткич қора рангли териларда кузатилган. Ранглар бўйича умумий баҳоланган териларнинг ўртача кўрсаткичи қора рангли териларда 7,66 мм, кўк рангда 6,64 мм ва сур рангда 6,42 мм ни ташкил қилган. Янги қорақўл терилари стандарти лойиҳасини тайёрлашда олинган маълумотларни эътиборга олиш кўзда тутилади.

Тадқиқотлар давомида турли рангдаги қорақўл териларининг гул узунлигини баҳолаш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Турли рангдаги қорақўл териларида гулларнинг узунлиги, мм

Гул узунлиги	n	Гул узунлиги, мм		
		$\bar{X} \pm S\bar{x}$	σ	C_v
Қора рангли терилар				
Қисқа	8	17,80±0,61	1,70	9,55
Ўрта	142	33,05±0,41	4,84	14,6
Узун	100	45,74±0,56	5,57	12,2
Ўртача	250	37,5±0,55	8,7	23,2
Кўк рангли терилар				
Қисқа	3	15,56±0,43	0,74	4,75
Ўрта	85	31,4±0,53	4,86	15,5
Узун	19	44,08±0,49	4,85	2,14
Ўртача	107	33,44±0,67	6,92	20,69
Сур рангли терилар				
Қисқа	9	19,10±0,31	0,92	4,82
Ўрта	189	32,20±0,39	5,29	16,4
Узун	52	42,70±0,20	1,45	3,39
Ўртача	250	33,80±0,44	6,95	20,5

Жадвал маълумоти кўрсатадики, қисқа гулли гуруҳда ўртача гул узунлиги қора рангли териларда 17,80 мм ни, кўк рангли териларда 15,56 ва сур рангли териларда 19,10 мм ни ташкил қилиб, юқори узунлик сур рангли териларда, нисбатан қисқа узунлик кўк рангли териларда кузатилган. Орадаги фарқ 3,54 мм ни ташкил қилган ва вариация коэффиценти 4,75-9,55 фоиз атрофида бўлиши кузатилган.

Гул узунлиги ўрта гуруҳда ўртача гул узунлиги қора рангли териларда 33,05 мм ни, кўк рангли териларда 31,40 ва сур рангли териларда 32,20 мм ни ташкил қилиб, юқори узунлик қора рангли териларда кузатилган бўлиб, гуруҳлар орасидаги фарқ 0,85-1,65 мм ни ташкил қилган. Ранглар кесимида вариация коэффиценти 14,6-16,4 фоиз атрофида бўлиши кузатилган.

Гул узунлиги узун гуруҳда ўртача гул узунлиги ранглар кесимида тегишлича 45,74; 44,08 ва 42,70 мм ни ташкил қилиб, юқори узунлик қора рангли териларда ҳамда нисбатан узунлигининг қисқа бўлиши сур рангли териларда кузатилган. Гуруҳларда вариация коэффиценти 2,14-12,2 фоиз атрофида бўлиши кузатилган. Гул



узунлигининг барча вариацияларининг ўртача кўрсаткичи қора рангда 37,5, кўк рангда 33,44 ва сур рангда 33,80 мм ни ташкил қилган.

Таҳлиллар кўрсатадики, қоракўл териларида гул узунлиги ранглар кесимида фарқланишлар мавжуд бўлиб, ушбу маълумотлар қоракўл терилари стандарт лойиҳасини ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотларда гул эни ва узунлигининг ўзаро боғлиқлик хусусиятларини ўрганиш ишлари олиб борилиб, натижалар 3-жадвалда умумлаштирилди.

3-жадвал

Турли рангдаги қоракўл териларида гулларнинг узунлиги

Гул ўлчами (эни)	n	Гул узунлиги		
		узун	ўрта	калта
		$\bar{X} \pm S\bar{X}$	$\bar{X} \pm S\bar{X}$	$\bar{X} \pm S\bar{X}$
Қора				
Катта	96	52,0±5,09	42,8±5,04	5,2±2,26
Ўрта	139	32,4±3,96	65,5±4,03	2,1±1,09
Майда	15	33,3±12,1	66,7±12,1	-
Кўк				
Катта	27	11,1±6,04	88,9±6,04	-
Ўрта	67	23,9±5,21	74,6±5,31	1,5±1,48
Майда	13	15,4±10,0	84,6±10,0	-
Сур				
Катта	45	24,4±6,40	66,7±7,02	8,9±4,24
Ўрта	167	22,7±3,24	76,1±3,30	1,2±0,84
Майда	38	13,2±5,49	78,9±6,61	7,9±4,37

Тадқиқот натижалари кўрсатадики, қора рангли гул эни катта бўлган териларда гул узунлигининг узун бўлиши 52,0 фоизни, гул узунлиги ўрта бўлиши 42,8 ҳамда калта бўлиш ҳолатлари 5,2 фоизни ташкил қилган.

Қора рангли териларда гул эни ўрта бўлган териларда гул узунлигининг катта бўлиши 23,9 фоиз, ўрта 74,6 фоизни ва калта 2,1 фоизни ташкил этиши кузатилди. Шунингдек, гул эни майда бўлган териларда гул узунлигининг узун бўлиши 33,3 фоизни, ўрта 66,7 фоизни ташкил этиб, калта бўлиш ҳолатлари кузатилмаган.

Кўк рангли терилар бўйича олинган маълумотларда қора рангли терилардан кескин фарқланиш ҳолатлари кузатилди. Баҳолаш натижаларига кўра гул эни катта бўлган гулларнинг узун бўлиши 11,1 фоизни, ўрта узун бўлиши 88,9 фоизни ва майда калта узунликдаги гуллар учрамаслиги аниқланди. Гул эни ўрта бўлган гулларнинг узун бўлиши 23,9 фоизни, ўрта узун бўлиши 74,6 фоизни ва калта бўлиши эса 1,5 фоизни ташкил этгани аниқланди. Гуллар эни майда бўлган териларда узун гуллар 15,47, ўрта узунликдагилар 61,5 фоизни ташкил этгани ҳолда, калта гуллар учрамаслиги қайд этилди.

Сур рангли териларда баҳолаш натижалари кўрсатадики гул эни катта бўлган териларда гулларнинг узун бўлиши 24,4 фоизни, ўрта узун бўлиши 66,7 фоизни ва калта бўлиши 8,9 фоизни ташкил этгани аниқланди. Гул эни ўрта бўлган териларда



гулларнинг узунлиги мос равишда 22,7; 76,1 ва 1,2 фоизни, гул эни майда бўлган териларда эса 13,2; 78,9 ва 7,9 фоизни ташкил этгани қайд этилди.

Умуман олганда, қорақўл териларида гулларни эни ва узунлиги бўйича стандартлашда уларнинг ранги бўйича дифференциялаш ва ушбу маълумотлардан қорақўл териларига янги техник талаблар ва халқаро стандарт лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланиш лозим деган хулоса қилиш мумкин.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология миллий тизимини ривожлантириш масалалари тўғрисида” ги 74-сон йиғилиш баёни. Тошкент. 2020-йил 28-сентябр
2. Ошланмаган барра қорақўл терилар. Умумий техник талаблар. ЎзРСТ 641-95 стандарти. Тошкент, 1995. 21 б.
3. Исмаилов М.Ш. Қорақўл кўзилари барра сифатини оширишда гул узунлиги бўйича селекциялашнинг аҳамияти. //ҚЧЭИТИ “Чўл-яйлов чорвачилиги ва озуқа етиштириш муаммолари” халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Самарқанд. 2015 йил. 13-14 август. 93-94 бетлар.
4. Плохинский Н.А. Руководство по биометрии для зоотехников. Москва. 1969. 256 с.
5. Юсупов Ҳ. Республиканинг жанубий минтақаларида қорақўл қўйларининг қимматли ассортиментдаги қорақўл етиштирувчи юқори маҳсулдор сурувларни яратайлик. //Зооветеринария. 2012 йил. №12. 36-39 б.